

XII. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

(Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги
маълумотлар базаси асосида шакллантирилди)


Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра 2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 30 791 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлар сони 29 896 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 97,1% ни ташкил қилди.

Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотларнинг асосий улуши Наманган шаҳри (34,4 %), Чуст (8,3 %), Наманган (7,2 %) ва Уйчи (6,6 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да
Вилоят жами	30 791	100,0	29 896	100,0
Наманган ш.	10 590	34,4	10 159	34,0
Мингбулоқ	1 368	4,4	1 346	4,5
Косонсой	1 871	6,1	1 821	6,1
Наманган т.	2 202	7,2	2 146	7,2
Норин	1 420	4,6	1 410	4,7
Поп	1 904	6,2	1 878	6,3
Тўрақўрғон	1 887	6,1	1 843	6,2
Уйчи	2 026	6,6	1 978	6,6
Учқўрғон	1 761	5,7	1 724	5,7
Чортоқ	1 629	5,3	1 588	5,3
Чуст	2 553	8,3	2 478	8,3
Янгиқўрғон	1 580	5,1	1 525	5,1

Рўйхатдан ўтган субъектларнинг ҳудудлар бўйича улуши, % да
(2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)



- | | | | |
|---------------|-------------|--------------|--------------|
| ■ Наманган ш. | ■ Мингбулоқ | ■ Косонсой | ■ Наманган |
| ■ Норин | ■ Поп | ■ Тўрақўрғон | ■ Уйчи |
| ■ Учқўрғон | ■ Чортоқ | ■ Чуст | ■ Янгиқўрғон |

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг (29,1 %), саноат (20,9 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳамда қурилиш (8,1 %) соҳаларига тўғри келади.

Рўйхатдан ўтган тижрат корхоналари иқтисодий фаолият турлари бўйича
(2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да
Жами	26 468	100,0	25 684	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2 478	9,4	2 417	9,4
саноат	6 437	24,3	6 283	24,5
қурилиш	2 306	8,7	2 229	8,7
савдо	8 968	33,9	8 664	33,7
ташиш ва сақлаш	1 069	4,0	1 041	4,0
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 376	5,2	1 315	5,1
ахборот ва алоқа	418	1,6	406	1,6
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	523	2,0	511	2,0
бошқа турлари	2 893	10,9	2 818	11,0


Рўйхатдан ўтган тижорат корхоналари сони
(ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича
2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



Масъулияти чекланган жамият



Хусусий корхона




Масъулияти чекланган жамият

Масъулияти чекланган жамият деб, бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият тан олинади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамоат фаолияти билан бўлиб зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалари қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг доирасида солидар жавобгар бўладилар. Масъулияти чекланган жамиятнинг фирма номи жамиятнинг номини, шунингдек “масъулияти чекланган” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Оилавий корхоналар сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)




Рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра 925 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 444 тага ёки 1,9 мартага ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 888 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 416 тага ёки 1,9 мартага ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йил январ-сентябрь ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони 406 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 236 тага ёки 2,4 мартага ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг
ҳудудлар кесимида сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)




Масъулияти чекланган жамиятлар сони

(1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)

Рўйхатдан ўтган масъулияти чекланган жамиятлар сони 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра 17 420 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 3 844 тага ёки 128,3 % га ошганлигини кўриш мумкин.


Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятлар сони 17 028 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 3 625 тага ёки 127,0 % га ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йил январ-сентябрь ойларида янги ташкил этилган масъулияти чекланган жамиятлар сони 3 563 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 343 тага ёки 110,7 % га ошганлигини кўриш мумкин.




Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг ҳудудлар кесимидаги сони

(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра масъулияти чекланган жамиятларнинг асосий қисми Наманган шаҳри 6 593 та (жамидаги улуши 38,7 %), Уйчи 1 218 та (7,2 %), Наманган 1 141 та (6,7 %), Поп 1 119 та (6,6 %), Чортоқ 1 048 та (6,2 %), Косонсой 989 та (5,8 %), Чуст 921 та (5,4 %) ва Янгиқўрғон тумани 902 та (5,3 %), Норин 832 та (4,9 %), Тўрақўрғон 825 та (4,8 %) хиссасига тўғри келади. Аксинча энг камлари Мингбулоқ 630 та (3,7 %), Учқўрғон 810 та (4,7 %) туманлари хиссаларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги корхоналари жамига нисбатан улуши, *фоизда*




Фаолият кўрсатаётган саноат корхона ва ташкилотлари сони бўйича маълумотлар, *бирликда*



**Рўйхатга олинган фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
(2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)**

	<i>Рўйхатга олинган</i>		<i>Фаолият кўрсатаётган</i>	
	<i>бирлик</i>	<i>жамига нисбатан улуши, % да</i>	<i>бирлик</i>	<i>жамига нисбатан улуши, % да</i>
Жами	30 791	100,0	29 896	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2 504	8,1	2 442	8,2
саноат	6 438	20,9	6 284	21,0
қурилиш	2 308	7,5	2 230	7,5
Савдо	8 972	29,1	8 667	29,0
ташиш ва сақлаш	1 070	3,5	1 042	3,5
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 378	4,5	1 317	4,4
ахборот ва алоқа	450	1,5	435	1,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	618	2,0	605	2,0
бошқа турлари	7 053	22,9	6 874	23,0

**Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да
(2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)**





Корхона ва ташкилотларнинг умумий сонидан фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 97,1% ни, шу билан бирга жами корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 2,9% ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда, бу кўрсаткич йил бошига нисбатан таққослаганда 0,4%га капайган.

**Корхона ва ташкилотларнинг умумий сонидан фаолият
кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, % да**

01.07.2019 йил

01.07.2020 йил




■ Фаолиятсизлар

■ Фаолият кўрсатаётганлар

2020 йил 1 октябрь ҳолатига 25 684 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 7 173 та, оилавий корхоналар – 888 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 17 028 тани ва 595 тани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.


Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, бирликда



2020 йил январь-сентябрь ойларида жами 5 001 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 7,8 фоизга кўп ташкил этилган.

Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Наманган шаҳри (1077 та), Поп (463 та), Чуст (417 та), Наманган (410 та), Уйчи (398 та) ва Тўрақўрғон (373 та) туманларига тўғри келади. Энг кам эса, Норин (294 та), Косонсой (284), Чортоқ (305 та) ва Янгиқўрғон (310 та) туманларига тўғри келади.


Савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар, бирликда
(2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)



Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони, бирликда
(2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)




**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият
кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони, бирликда
(2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)**



**Ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва
ташкилотлар тўғрисида маълумот, бирликда**




**Худудлар бўйича янги ташкил этилган корхона
ва ташкилотларнинг сони, бирликда
(2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг улуши савдода 39,4 %, саноатда 22,9 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 15,4 %, қурилишда 7,3 % ни ташкил этади.

**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да
(2020 йилнинг январь-сентябрь)**



2020 йил 1 октябрь ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 25 547 тадан ортиқни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2019 йил мос даврига нисбатан 22,7 % га ошган.

2020 йил январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган оилавий
корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши

40,2 %



Саноат

16,3 %



*Қишлоқ, ўрмон ва
балиқ
хўжалиги*

26,8 %



Савдо

11,1 %



*Яшаш ва
овқатланиш бўйича
хизматлар*

4,2 %



Бошқа турлар

0,7 %



Ташиниш ва сақлаш

0,2 %



Ахборот ва алоқа

0,5 %



*Соғлиқни сақлаш ва
ижтимоий хизматлар*


Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 8 883 таси (жами субъектларнинг 34,8%) Наманган шаҳрига, 2 137 таси (8,4 %) Чуст, 1 909 таси (7,5 %) Наманган ҳамда 1 703 таси (6,7 %) Уйчи туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 1 098 таси (4,3 %) Мингбулоқ, 1 156 таси (4,5 %) Норин, 1 239 таси (4,8 %) Янгиқўрғон, 1 328 таси (5,2 %) Чортоқ, 1 441 таси (5,6 %) Учқўрғон туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг
ҳудудлар бўйича сони**

	2019 йил 1 октябрь ҳолатига		2020 йил 1 октябрь ҳолатига	
	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да
Вилоят жами	20 828	100,0	25 547	100,0
Наманган ш.	7 940	38,1	8 883	34,8
Мингбулоқ	801	3,9	1 098	4,3
Косонсой	1 256	6,0	1 548	6,1
Наманган т.	1 509	7,2	1 909	7,5
Норин	838	4,0	1 156	4,5
Поп	1 108	5,3	1 536	6,0
Тўрақўрғон	1 244	6,0	1 569	6,1
Уйчи	1 332	6,4	1 703	6,7
Учқўрғон	1 072	5,2	1 441	5,6
Чортоқ	1 056	5,1	1 328	5,2
Чуст	1 705	8,2	2 137	8,4
Янгиқўрғон	967	4,6	1 239	4,8

2020 йил январь-сентябрь ойларида жами 4 900 та кичик тадбиркорлик субъектлари янги ташкил этилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,0 фоизга кўп ташкил этилган. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Наманган шаҳри (1 042 та), Поп (453 та), Чуст (409 та), Наманган (403 та), Уйчи (394 та) ва Тўрақўрғон (371 та) туманларига энг кам ташкил этилганлар эса, Косонсой (278 та), Норин (287 та), Мингбулоқ ва Чортоқ (303 тадан) ва Янгиқўрғон (304 та) туманларига тўғри келади.

2020 йил январь-сентябрь ҳолатига янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар бўйича сони, бирликда




Иқтисодий фаолият турлари кесимида энг кўп ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар савдода (1 968 та), саноатда (1 139 та), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (763 та), қурилишда (367 та) ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (188 та) ташкил этилган. Энг ками эса, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда (71 та), ахборот ва алоқада (78 та) ташкил этилган.

Кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш асосида уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли, фаолият кўрсатмаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг жами рўйхатга олинганларнинг умумий сонига нисбатан улуши юқори бўлмоқда.

Жумладан, 2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига Наманган вилоятида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонига фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 2,8 % ни (770 та) ташкил қилган, уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 300 тага кўпайган.

Ҳисобот даврида 635 та кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 312 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 49,1 %) қўшиб олиш орқали тугатилган.

**Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да
(2020 йил январь-сентябрь)**



Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар. 2020 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 255 тани ташкил этган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 50 тага ёки 24,4 % га ўсган. Шунингдек, Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 166 таси қўшма корхоналар, 89 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналар сони, бирликда
(2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)



Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг давлатлар кесимида сони, бирликда
(2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)



Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми Наманган шаҳар 79 та (31,0 %), Поп 25 та (9,8 %), Косонсой 24 та (9,4) Чуст 20 та (7,8 %), Тўрақўрғон ва Чортоқ 19 тадан (7,5 % дан), Уйчи 17 та (6,7 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида корхоналар Учқўрғон 6 та (2,4 %), Мингбулоқ 7 та (2,7) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги
корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши
(2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)**

	бирлик	Жамига нисбатан улуши % да
Вилоят жами	255	100,0
Наманган ш.	79	31,0
Мингбулоқ	7	2,7
Косонсой	24	9,4
Наманган т.	16	6,3
Норин	11	4,3
Поп	25	9,8
Тўрақўрғон	19	7,4
Уйчи	17	6,7
Учқўрғон	6	2,4
Чортоқ	19	7,5
Чуст	20	7,8
Янгиқўрғон	12	4,7


Фаолият кўрсатаётган 255 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 143 таси (56,1 %) саноат, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 30 та (12,5 %), 29 та (11,4 %) савдо, 12 таси (4,7 %) қурилиш, 9 таси (3,5 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 8 таси (3,1 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 3 таси (1,2 %) ташиш ва сақлашда ҳамда 18 таси (7,5 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса ташиш ва сақлаш ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши
(2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)**

	бирлик	Жамига нисбатан улуши, % да
Жами	255	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	32	12,5
Саноат	143	56,1
Қурилиш	12	4,7
Савдо	29	11,4
ташиш ва сақлаш	3	1,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	8	3,1
ахборот ва алоқа	-	-
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	9	3,5
бошқа турлари	19	7,5

Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг улуши, % да
(2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)



- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат
- Қурилиш
- Савдо
- Ташиш ва сақлаш
- Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа турлар

2020 йил январь-сентябрь ойларида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 38 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 36 тага камайган ёки 51,4 фоизни ташкил қилган.

Бунда, Россия Федерацияси – 4та, Қозоғистон Республикаси – 3 та, Хитой Халқ Республикаси, Япония, Қирғизистон, Жанубий Корея, Қирғизистон Республикалари – 2 тадан, Афғонистон, Канада, Нидерландия, Англия, Сингапур, Швеция Иттифоқи, Сурия, Тожикистон, Бирлашган Араб Амирлиги Республикалари – 1 тадан янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

Вилоятдаги 38 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Наманган шаҳар, Поп (7 тадан), Наманган (6 та), Тўрақўрғон (4 та), Косонсой, Чортоқ ва Чуст (3 тадан) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар Норин туманида ташкил этилмаган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
ҳудудлар кесимидаги сони ва улуши
(2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)**


	бирлик	Жамига нисбатан улуши, % да
Вилоят жами	38	100,0
Наманган ш.	7	18,4
Мингбулок	2	5,3
Косонсой	3	7,9
Наманган т.	6	15,8
Норин	-	-
Поп	7	18,4
Тўрақўрғон	4	10,5
Уйчи	1	2,6
Учқўрғон	1	2,6
Чортоқ	3	7,9
Чуст	3	7,9
Янгиқўрғон	1	2,7

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 24 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 8 та, савдода 4 та, ташиш ва сақлаш, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 1 тадан хорижий капитал иштирокидаги корхоналар янги ташкил этилган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда
(2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)



2020 йил январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг давлатлар кесимидаги сони, бирликда



Оилавий корхоналар. Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони, 2020 йил 1 октябрь ҳолатига 925 тани ташкил этиб, улардан 888 таси ёки 96,0 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтганларнинг умумий сонига нисбатан ўртача 90,2 % га ошганлигини таъкидлаш мумкин.